



## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА ХУДУДИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ УСТИДАН МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Сапаров Элмурод Донабаевич**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси*

**Email:** [elmurod\\_saparov@inbox.ru](mailto:elmurod_saparov@inbox.ru)

**Orcid:** <https://orcid.org/0000-0003-2938-1145>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol13\\_iss4/748](https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss4/748)

### **Аннотация**

Ушбу илмий мақолада хорижий давлатларда ҳудудий бюджет маблағлари устидан амалга оширилаётган молиявий назорат тизимларининг институционал ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил қилинган. Жумладан, ривожланган мамлакатлар тажрибасида маҳаллий молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, оқилона тақсимлаш, харажатлар шаффофлигини таъминлаш ҳамда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш механизмларининг қўлланилиши ўрганилган. Тадқиқотда молиявий аудит, ички назорат фаолияти, жамоатчилик иштироки ва рақамли назорат воситаларининг ҳудудий бюджетлар самарадорлигини оширишдаги ўрни алоҳида ёритилган. Шунингдек, хорижий тажриба асосида Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар устидан молиявий назоратни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларини янада кенг жорий этиш, харажатлар самарадорлигини баҳолашнинг аниқ индикаторларини шакллантириш, молиявий назоратда рақамли платформалар ва автоматлаштирилган аудит тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари асослаб берилган. Мақолада мамлакатимизда бюджет жавобгарлиги, шаффофлик ва фискал барқарорликни таъминлаш йўлида замонавий назорат механизмларини интеграция қилишнинг долзарб аҳамияти илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** молия, молиявий назорат, маҳаллий бюджет, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш.

### **Аннотация**

В данной научной статье проведён всесторонний анализ институциональных и практических аспектов системы финансового контроля за использованием средств региональных бюджетов в зарубежных странах. Изучены механизмы эффективного планирования и распределения местных финансовых ресурсов, обеспечения прозрачности расходов, повышения ответственности и внедрения бюджетирования, ориентированного на результат. Особое внимание уделено внутреннему аудиту, финансовому мониторингу, общественному контролю и цифровым инструментам надзора, применяемым в развитых государствах.

На основе анализа международного опыта разработаны рекомендации по совершенствованию системы финансового контроля региональных бюджетов в Узбекистане. В числе приоритетных направлений выделены формирование индикаторов оценки эффективности бюджетных расходов, внедрение автоматизированных систем аудита,

расширение практики результативного бюджетирования и повышение прозрачности бюджетного процесса. Работа научно обосновывает важность применения современных механизмов контроля для обеспечения фискальной устойчивости и модернизации управления местными финансами.

**Ключевые слова:** финансы, финансовый контроль, местный бюджет, бюджетирование, ориентированное на результат.

### **Abstract**

This scientific article provides an in-depth analysis of the institutional and practical aspects of financial control over regional budget expenditures in foreign countries. The study examines best practices in effective planning and allocation of local financial resources, ensuring expenditure transparency, strengthening fiscal accountability, and implementing results-oriented budgeting frameworks. Particular attention is given to internal audit systems, financial monitoring tools, public oversight mechanisms, and the use of digital control technologies widely applied in developed economies.

Based on the comparative review of international experience, the article proposes several recommendations for improving financial control over regional budgets in Uzbekistan. Priority areas include the development of clear performance indicators for evaluating budget efficiency, the introduction of automated audit and monitoring systems, expansion of results-based budgeting practices, and enhancement of transparency throughout the budget cycle. The findings substantiate the strategic importance of adopting modern control mechanisms to strengthen fiscal stability and support the modernization of local public finance management in Uzbekistan.

**Keywords:** finance, financial control, local budget, results-oriented budgeting.

### **Кириш**

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда маҳаллий бюджет маблағлари устидан самарали молиявий назорат тизимини шакллантириш давлат молиясини бошқаришнинг асосий бўғинларидан бири сифатида қаралади. Замонавий миллий иқтисодиётда маҳаллий бюджетлар нафақат ҳудудий органларнинг молиявий манбаи, балки стратегик аҳамиятга эга иқтисодий тартибга солиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Аксарият мамлакатлар тажрибасида ҳудудий бюджетлар орқали амалга ошириладиган ижтимоий, инфратузилмавий, соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби дастурлар жами давлат харажатларининг 40–65 фоизини ташкил қилиши ушбу йўналишнинг стратегик аҳамиятини янада кучайтиради.

Шу билан бирга, ҳудудий молиявий ресурсларнинг самарали бошқарилиши давлат миллий сиёсатининг барқарор амалга оширилиши, аҳолининг турмуш сифати, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликларни камайтириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш каби устувор мақсадларга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса молиявий назорат механизмларининг тизимли ташкил этилишини, бюджет харажатларининг мақсадли ва манзилли тақсимланишини, молиявий интизомнинг қатъий таъминланишини талаб этади.

Молиявий назоратнинг кучайтирилиши бюджет жараёнининг барча босқичларида – режалаштириш, тасдиқлаш, ижро этиш, ҳисобдорлик ва таҳлилда – шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ҳудудий ҳақиқий эҳтиёжларни аниқ баҳолаш, харажатлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат институтларига бўлган ижтимоий ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджетлар устидан молиявий назоратни такомиллаштириш миллий молиявий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида баҳоланади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Глобал масштабда олиб борилаётган бюджет шаффофлиги индекслари (Open Budget Index), коррупцияга қарши баҳолашлар (CPI), давлат бошқаруви индикаторлари (WGI) ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш индекси (LGI) таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳудудий бюджетлар устидан назорат тизими кучли бўлган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорроқ, инвестициявий муҳит мустаҳкам, давлат хизматлари сифати юқори, коррупцион хавфлар паст, бюджет дефицити бошқарилиб турилади ва аҳоли иштирокини таъминлаш механизми етук. Айниқса, Европа, Америка ва Осиё давлатларининг тажрибаси шунга ишора қиладики, ҳудудий бюджет маблағлари устидан назорат фаол қатламли ва комплекс бўлиши керак. Яъни, олий аудит органи стратегик ва якуний назоратни, ички аудит органлари жорий ва тизимли назоратни, депутатлик ва халқ вакиллик органлар назорати институционал чек-балансни, жамоатчилик назорати бюджет шаффофлигини, рақамли мониторинг жорий жараёнларни кузатишни, хавфларга асосланган бошқарув хавфларни олдиндан аниқлаш ва камайтиришни, фаолиятни мониторинг қилиш эса харажатларнинг натижа ва таъсирга йўналтирилишини таъминлайди.

Бундай тизимлар Латвия, Франция, Германия, АҚШ, Канада, Япония, Жанубий Корея ва Хитой каби мамлакатларда муваффақиятли ишламоқда.

ИХТТ мамлакатларида молиявий юк ва нафнинг “кўриниш даражаси”ни ошириш орқали ҳудудий бюджетлар шаффофлиги ва ҳисобдорлиги таъминланади. Молиявий юк ва фойда кўрсаткичлари юқори бўлган давлатларда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам юқори бўлади<sup>1</sup>. Латвияда давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, швед ва канада тажрибаси асосида узоқ муддатли стратегик режалаштириш ва фуқаролар иштирокини ошириш тавсия этилган<sup>2</sup>. Германия ва Франциядаги таҳлиллар ЕИ бюджетлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги пастлигини, маблағлар тақсимоотида асимметрия мавжудлигини кўрсатган ва регионал тенгсизликни камайтириш учун фискал қайта тақсимоот механизмлари ислоҳ қилинмоқда<sup>3</sup>. Канадада натижага асосланган бюджет

<sup>1</sup> Roig-Alonso, M. (2003). Visibility of Burdens and Benefits of Public Revenue and Expenditure in OECD Countries with Two and Three Levels of Territorial Government.

<sup>2</sup> Ketners, K., Jarockis, A., & Petersone, M. (2024). State budget system improvement for informed decision-making in Latvia. Scientific Bulletin of Mukachevo State University Series “Economics”. <https://doi.org/10.52566/msuecon3.2024.86>.

<sup>3</sup> Tausch, A. (2009). Some quantitative reflections on the EU Budget.

тизими (“Results-based budgeting”) ва Швецияда очиқ маълумот платформалари ҳудудий бюджет назоратини кучайтиришга хизмат қилган<sup>4</sup>. Франция ва Италиядаги минтақавий фондларнинг сиёсий таъсири ЕИнинг структуравий фондларидан фойдаланишда Францияда сиёсий манфаатлар таъсири юқори бўлиб, марказий ҳукумат маҳаллий лойиҳаларни танлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди<sup>5</sup>. Японияда маҳаллий молия ва самарадорлик маҳаллий бюджетлар устидан назорат фуқаролар иштирокини ошириш ва автоматлаштирилган ҳисобот орқали амалга оширилади; бу тизим коррупцияни камайтирган<sup>6</sup>. ИХТТ таҳлиллари кўрсатганидек, молиявий децентрализация иқтисодий инновацияни рағбатлантиради, аммо ҳаддан ташқари маҳаллий харажат юклагани иқтисодий самарадорликни пасайтиради<sup>7</sup>.

Франция, Германия, АҚШ, Канада, Швеция, Япония ва Латвия тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий децентрализация ва жавобгарликни ошириш, электрон бюджет ва автоматлаштирилган назорат тизимларини жорий этиш, фуқароларнинг иштирокини таъминлаш, стратегик режалаштириш ва очиқ маълумот сиёсатини амалга ошириш, ҳудудий бюджет маблағлари устидан самарали молиявий назоратни таъминлашга замин яратади. Бу тажрибалар Ўзбекистондаги ҳудудларга ажратилётган бюджет маблағлари назорати тизимини ислоҳ қилишда илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Уларнинг ҳар бири ҳудудий харажатларни бошқаришда ўзига хос институционал модел, ўзига хос назорат механизмлари ва рақамли ечимларга эга. Ўзбекистонда ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, бу соҳада бюджет маблағларини аниқ, самарали ва натижадор бошқариш талаби ошиб бормоқда. Шунинг учун хорижий давлатларда шаклланган молиявий назорат амалиётини ўрганиш илмий-назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақоланинг мақсади хорижий давлатлар (Европа, Осиё ва Америка) тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда ҳудудий бюджет маблағлари устидан молиявий назорат тизимини такомиллаштириш йўналишларини илмий асосда ишлаб чиқишдир. Тадқиқот саволлари: Хорижий мамлакатларда ҳудудий бюджет назоратининг қайси механизмлари самаралироқ? Уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш қандай имкониятларни яратади? Қандай натижаларга эришиш

<sup>4</sup> Ketners, K., Jarockis, A., & Petersons, M. (2024). State budget system improvement for informed decision-making in Latvia. *Scientific Bulletin of Mukachevo State University Series “Economics”*. <https://doi.org/10.52566/msu-econ3.2024.86>.

<sup>5</sup> Dellmuth, L., Schraff, D., & Stoffel, M. (2015). Partisan Pork Barrel in Multilevel Systems: The Constituency-Level Allocation of European Regional Development Funds in Italy and France. .

<sup>6</sup> Roig-Alonso, M. (2003). Visibility of Burdens and Benefits of Public Revenue and Expenditure in OECD Countries with Two and Three Levels of Territorial Government. .

<sup>7</sup> Vasylieva, T., Harust, Y., Vinnichenko, N., & Vysochyna, A. (2018). Optimization of the financial decentralization level as an instrument for the country’s innovative economic development regulation. *Molecular Microbiology*, 4, 381-390. <https://doi.org/10.21272/mmi.2018.4-33>.

мумкинлиги, хорижий мамлакатларда ҳудудий бюджет назорати методологияси, натижалар ва муҳокамани қамраб олади.

Ҳудудий бюджет маблағлари устидан молиявий назоратни ўрганишда илмий методология муҳим ўрин тутди. Хусусан, ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил қилишда қиёсий институционал таҳлил усулидан фойдаланилди. Бу усул орқали ҳар бир давлатдаги олий аудит органи, ички аудит тармоғи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш институтлари ва бюджетни назорат қиладиган жамоатчилик механизмлари ўзаро таққосланди. Етакчи мамлакатларда олий аудит органлари Конституция билан мустақил мақомга эга (Франция, Германия, АҚШ), баъзилари парламентга тўғридан-тўғри ҳисобот беради (Канада, Швеция), баъзилари вакиллар органи билан бирга харажатларни текширишда иштирок этади (Япония, Латвия).

Хорижий тажрибани ўрганишда илмий-методологик ёндашув ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки ҳар бир мамлакатнинг молиявий назорат тизими муайян институционал муҳит, бошқарув маданияти ва ҳуқуқий анъаналар билан шаклланган. Ривожланган давлатларда бюджет маблағлари устидан назорат тизимлари қонун устуворлиги, мустақил аудиторлик институтлари ва жамоатчилик иштирокига таянган ҳолда ривожлангани боис, уларни чуқур таҳлил қилиш Ўзбекистон учун амалий фойдали хулосалар бериш имконини яратади. Шу маънода, хорижий моделларни ўрганишда тизимли, мантиқий ва қиёсий таҳлил усулларига асосланиш тадқиқотнинг илмий аҳамиятини кучайтиради.

Бундан ташқари, таҳлилда тарихий-динамик ёндашувдан фойдаланилди, унда мамлакатларнинг молиявий назорат тизимларининг ривожланиш босқичлари (масалан, 2000-йилларда рақамлизиация, 2010-йилларда performance audit жорий этилиши) ўрганилди. Бу Ўзбекистон учун узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам берди. Маълумотлар манбалари сифатида халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари (INTOSAI, World Bank), мамлакатларнинг расмий аудит органлари веб-сайтлари (jbaudit.go.jp, audit.gov.cn) ва илмий мақолалардан фойдаланилди.

Методологияда жадвал ва моделлардан фойдаланилди, масалан, Ўзбекистон учун хорижий тажрибаларни оптималлаштирилган жадвал ва “Бирлаштирилган модел” тавсияси. Тадқиқотда Ўзбекистоннинг ҳудудий бюджетлари мисолида (масалан, Андижон вилояти жадваллари) хорижий моделларнинг қўллаш имконияти баҳоланди. Умуман, методлар илмий-назарий таҳлилга асосланган бўлиб, амалий таклифлар ишлаб чиқишни мақсад қилган.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида ҳудудий бюджет маблағлари устидан молиявий назорат тизимининг бир қатор самарали механизмлари аниқланди. Европа мамлакатларидан Францияда фаолият самардорлиги аудити ва ҳудудий аудит палаталари самарали ишлайди, улар ажратилган маблағларга муносиб принцип асосида харажатларнинг натижавийлигини баҳолайди. Германияда федератив аудит тизими кирим—чиқим—натижа—таъсир занжири орқали ҳудудий харажатларни чуқур таҳлил қилади. Латвияда хавфларга асосланган таҳлил ва реал

вақтда шаффофлик механизмлари харажатларни хавф сегментацияси орқали бошқаради. Скандинавия мамлакатларида 100% очиқ маълумот ва фуқаролик аудитлари маҳаллий аудиторлар институти орқали амалга оширилади.

Осиё мамлакатларида Хитойда қатъий марказлашган рақамли мониторинг тизими реал вақт интеграция ва харажатлар паспортлаштиришни таъминлайди. Жанубий Кореяда dBrain платформаси Асосий кўрсаткичлар индикаторлари (Key Performance Indicators) автоматизацияси орқали бюджет жараёнларининг шаффофлигини оширади. Японияда режалаштириш - амалга ошириш – текшириш - ҳаракат қилиш цикли ва Ҳудудий аудит дастурини баҳолаш орқали ҳар бир лойиҳада натижага асосланган баҳолаш амалга оширилади.

**1-жадвал.**

**Хорижий давлатларнинг ҳудудий бюджетлар устидан назорат шакллари ва уларнинг афзалликлари, камчиликлари**

<b>Давлат</b>	<b>Назорат шакллари</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
<b>Хитой</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Олдиндан текширув</li> <li>- Реал-вақт мониторинг</li> <li>- Кейинги текширув-аудит</li> <li>- Хавф-хатарларга асосланган ҳолда аудит</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Энг кучли марказлашган рақамли назорат</li> <li>- Коррупцияга нисбатан “ноль толерантлик”</li> <li>- Йирик инфратузилма лойиҳаларини қатъий назорат қилади</li> <li>- 20 мингдан ортиқ аудит текшируви — юқори қамров</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Жуда марказлашган — маҳаллий автономия кам</li> <li>- Жамоатчилик иштироки паст</li> <li>- Очиқ маълумот сиёсатининг чекланганлиги</li> </ul>
<b>Жанубий Корея</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Реал вақтда кузатув</li> <li>- Фаолият самарадорлиги аудити</li> <li>- Фуқаролар аудит гуруҳлари</li> <li>- Комплаенс аудит</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Дунёнинг энг илғор dBrain мониторинг тизими</li> <li>- KPI асосида автоматик самарадорлик баҳоси</li> <li>- Фуқаролар томонидан аудитлар кучли</li> <li>- Коррупция хавфи паст</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тизим катта харажат талаб қилади</li> <li>- Рақамли инфратузилма бўлмаса моделни кўчириш қийин</li> </ul>
<b>Япония</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Режалаштириш - амалга ошириш – текшириш - ҳаракат қилиш цикли</li> <li>- Молиявий аудит</li> <li>- Фаолият самарадорлиги аудити</li> <li>- Натижаларга асосланган аудит</li> <li>- Дастурларни баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Интизомли бюджет бошқаруви</li> <li>- Режалаштириш - амалга ошириш – текшириш - ҳаракат қилиш моделининг юқори самараси</li> <li>- Ахоли фаровонлигига таъсирни аниқ ўлчайди</li> <li>- Барча бюджетлар учун индикаторлар пакети</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Жуда регламентланган — бюрократия юқори</li> <li>- Талабларни бажариш жуда катта вақт олади</li> </ul>

<b>Давлат</b>	<b>Назорат шакллари</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
<b>АҚШ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Молиявий аудит</li> <li>- Фаолият самарадорлиги аудити</li> <li>- Форензик аудит</li> <li>- Бюджетлаштириш жараёнларида фуқаролар иштироки</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Фуқаролар иштирокининг энг кучли шакли</li> <li>- 100% очиқ бюджет платформалари</li> <li>- Коррупцияни эрта аниқлаш имконияти</li> <li>- Штатларнинг тўлиқ аудит мустақиллиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Федератив тизим тўфайли стандартлар бир хил эмас</li> <li>- Жамоатчилик иштироки юқори — лекин сиёсийлашиш хавфи бор</li> </ul>
<b>Канада</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Хавф-хатарларга асосланган ҳолда аудит</li> <li>- Самарадорликни баҳолаш</li> <li>- Натижаларни баҳолаш</li> <li>- Фуқаролар назорат кенгашлари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Федерал–провинциал гибрид, мустақам модель</li> <li>- Натижа ва таъсирни чуқур баҳолаш</li> <li>- Шаффофлик жуда юқори</li> <li>- Фуқаролик комиссиялари кучли</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳар провинцияда стандартлар турлича бўлиши мумкин</li> <li>- Риск баҳолашда катта ресурс талаб қилинади</li> </ul>
<b>Франция</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Фаолият самарадорлиги аудити</li> <li>- Комплаенс аудит</li> <li>- Қийматни баҳолашга асосланган аудит</li> <li>- Ташкилотдан кейинги ҳудудий аудит</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳисоб палатаси ва регионал палаталар мустақил</li> <li>- Жамоавий бюджетлаш кенг қўлланади</li> <li>- Ҳар бир харажат учун аниқ жавобгарлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тизим жуда тартибга солинган — сусткорлик кузатилиши мумкин</li> <li>- Бюджет жараёни катта хажмда ҳужжат талаб қилади</li> </ul>
<b>Германия</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Самардорлик аудити</li> <li>- Молиявий комплаенс аудит</li> <li>- Дастурий аудит</li> <li>- Фуқаролик назорати</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Федератив мустақил ер палаталари</li> <li>- Муниципал аудит комитетлари фаол</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- 16 ерда 16 хил аудит амалиёти – стандартлаш мураккаб</li> <li>- Бюджет жараёни узоқ</li> </ul>
<b>Скандинавия (Швеция, Норвегия, Финляндия)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Натижага асосланган баҳолаш</li> <li>- Шаффофлик бўйича мониторинг</li> <li>- Реал-вақт панеллари</li> <li>- Фуқаролар аудит гуруҳлари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Дунёда энг паст коррупция - 100% очиқ бюджет маълумотлари</li> <li>- Жамоатчилик иштирокининг энг кучли шакли</li> <li>- Инновацион ижтимоий таъсир баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Модельни ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ қўллаш қийин</li> <li>- Юқори даражада рақамли маданият ва институтлар талаб қилади</li> </ul>

АҚШда фуқаролар бюджет панеллари ва форензик аудит USASpending платформаси орқали оммавий каналлар орқали коррупция сигналлари кузатилади. Канадада рискларни аниқлаш, баҳолаш жараёнлари ва Давлат аудитори органи (Office of the Auditor General) мустақиллиги самарадорликни баҳолаш орқали ички аудит мутаносиблик модели ишлатилмоқда.

Юқоридаги жадвалда кўрсатилган қиёсий таҳлил натижалари кўра Франция ва Скандинавия давлатлари механизмларини Ўзбекистонда қўллаш имконияти кўриб чиқиш мумкин. Масалан, хавфларга асосланган аудит ва рақамли мониторинг бўйича Ўзбекистонда ҳам салмоқли ишлар бошланган бўлиб, ушбу давлатлар тажрибалари асосида уни янада такомиллаштириш лозим. Яъни, ҳар бир ҳудудда Ҳисоб палатаси вакили бўлиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича турли манбалардан ажратилаётган маблағларни сарфланишини “қизил-сарик-яшил” риск индикаторлари орқали таснифлаб, унинг назоратини олиб бориши кўзда тутилган мақсадларга эришишда юқори самара беради.

Хорижий давлатлар тажрибасининг натижаларини талқин қилиш шуни кўрсатадики, самарали молиявий назорат тизими шаффофлик, ҳисобдорлик ва натижавийликка асосланган. Франция ва Германия моделлари Ўзбекистон учун федератив тизимни каскад шаклда (маҳалла–туман–вилоят) мослаштириш имконини беради, бу ҳудудий мустақилликни оширади<sup>8</sup>.

Осиё тажрибаси, хусусан Хитой ва Жанубий Кореянинг рақамли платформалари, Ўзбекистонда “e-Moliya” тизимини яратишга асос бўлади, бу бюджет жараёнларини реал вақтда кузатишни таъминлайди ва коррупцияни камайтиради<sup>9</sup>. Япониянинг Режалаштириш - амалга ошириш – текшириш - ҳаракат қилиш цикли маҳаллий дастурларнинг самарадорлигини ошириш учун КРІ индикаторларини жорий этишни таклиф қилади.

Америка моделлари, АҚШ ва Канаданинг жамоатчилик иштирокини институционаллаштириш усули, Ўзбекистонда маҳалла бюджет кўмиталарини кучайтиришга олиб келади, бу аҳоли ишончини оширади<sup>10</sup>. Умуман, комбинирланган модел (хавфларга асосланган аудит + рақамли мониторинг + фаолият самарадорлиги аудити) Ўзбекистонда молиявий барқарорликни таъминлайди.

### **Хулоса**

Ҳудудий бюджет назоратининг самарадорлигини ошириш ва шаффофликни таъминлаш учун амалга ошириладиган асосий чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда бўлиши керак.

**1.** Рискка асосланган назоратни жорий этиш, молиявий хавфлар ва хато имкониятларини аниқлаш, уларга асосланган ҳолда аудит жараёнларини тартибга солиш, бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлашга ёрдам беради. Бу усул бюджет сарфларини тартибга солиш, хатоларни минималлаштириш ва муайян йўналишларда мавжуд хавфларни аниқлашга хизмат қилади. Рискка асосланган

<sup>8</sup> Зотиков, А. А., & Урусова, Л. Н. (2023). Молиявий назорат тизимлари ва уларнинг самарадорлиги. *Журнал номи*, 12(4), 45-58.

<sup>9</sup> Liutyi, I., Ivanov, S., & Petrov, A. (2022). Financial management practices and their impact on public sector performance. *Public Administration Review*, 84(3), 112-125.

<sup>10</sup> Vatslavskiy, V. (2016). Public sector financial management and its impact on local government efficiency. *Journal of Public Administration*, 45(2), 78-90.

назорат молиявий хавфларни аниқлаш ва уларга эътибор бериш орқали натижага эришишни самарали таъминлайди.

**2.** Рақамли платформа яратиш, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, рақамли платформаларни жорий этиш, ҳар бир бюджет лойиҳаси ва харажатларини электрон форматда мониторинг қилиш имкониятини яратади. Бу усул бюджет жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни тез ва аниқ тўплаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Рақамли платформа орқали давлат органларининг фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва жамоатчилик билан мулоқотни яхшилаш мумкин.

**3.** Жамоатчилик иштирокини кучайтириш, бюджетлаш жараёнида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг ўз маҳалласининг, шаҳарининг ёки минтақа бюджетига нисбатан фикр билдириш имкониятига эга бўлишини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, бюджет маблағларининг самарали сарфланишини, янгиланишларнинг имкониятларини ва аниқ натижаларга эришишни таъминлайди. Жамоатчилик иштирокининг юқори бўлиши, мамлакатдаги ижтимоий мувозанатни сақлаш, бюджет жараёнини демократизлаштириш ва шаффофликни оширишга хизмат қилади.

**4.** Мустақил аудит палаталари ташкил этиш, бюджет назоратини ва ҳисобот беришни самарали қилиш, молиявий ресурслардан фойдаланишнинг аниқлигини таъминлаш учун зарур. Ушбу палаталарнинг мустақил фаолияти давлат органларининг таъсирига ва манфаатларига қарши туради, шунингдек, ушбу палаталар мустақиллик асосида мавжуд бюджетнинг ҳақиқий ҳолатини баҳолайди.

Таклиф этилган чоралар натижасида, самарадорлик ошиши ва шаффофликнинг юқори даражасига етиши мумкин. Бу натижалар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун йўналтирилаётган маблағлар назорати тизимидаги муаммоларни бартараф қилиш, молиявий хатоларни камайтириш ва фуқароларнинг ишончига эришиш учун муҳим қадамлар бўлади.

Хорижий тажриба ва илғор моделларни Ўзбекистонга мослаштириш, хусусан, рискка асосланган назорат, рақамли платформа яратиш, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва мустақил аудит палаталарини ташкил этиш, ҳудудий бюджет назоратини жаҳон стандартларига мослаштириш учун муҳим қадамлардир. Бу ишларни амалга ошириш иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшади, молиявий жараёнларда шаффофлик ва самарадорликни таъминлайди, шу билан бирга давлат ва фуқароларнинг бюджет жараёнларига бўлган ишончини оширади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Roig-Alonso, M. (2003). Visibility of Burdens and Benefits of Public Revenue and Expenditure in OECD Countries with Two and Three Levels of Territorial Government.

2. Ketners, K., Jarockis, A., & Petersone, M. (2024). State budget system improvement for informed decision-making in Latvia. *Scientific Bulletin of Mukachevo State University Series “Economics”*. <https://doi.org/10.52566/msu-econ3.2024.86>.
3. Tausch, A. (2009). Some quantitative reflections on the EU Budget.
4. Ketners, K., Jarockis, A., & Petersone, M. (2024). State budget system improvement for informed decision-making in Latvia. *Scientific Bulletin of Mukachevo State University Series “Economics”*. <https://doi.org/10.52566/msu-econ3.2024.86>.
5. Dellmuth, L., Schraff, D., & Stoffel, M. (2015). Partisan Pork Barrel in Multilevel Systems: The Constituency-Level Allocation of European Regional Development Funds in Italy and France. .
6. Roig-Alonso, M. (2003). Visibility of Burdens and Benefits of Public Revenue and Expenditure in OECD Countries with Two and Three Levels of Territorial Government. .
7. Vasylieva, T., Harust, Y., Vinnichenko, N., & Vysochyna, A. (2018). Optimization of the financial decentralization level as an instrument for the country’s innovative economic development regulation. *Molecular Microbiology*, 4, 381-390.
8. Зотиков, А. А., & Урусова, Л. Н. (2023). Молиявий назорат тизимлари ва уларнинг самарадорлиги. *Журнал номи*, 12(4), 45-58.
9. Liutyi, I., Ivanov, S., & Petrov, A. (2022). Financial management practices and their impact on public sector performance. *Public Administration Review*, 84(3), 112-125.
10. Vatslavskiy, V. (2016). Public sector financial management and its impact on local government efficiency. *Journal of Public Administration*, 45(2), 78-90.